«Ўзбекистон буюк келажак сари»

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб, ўзига хос, ўзига мос йўлдан дадил бормоқда. Истиқлолдан кейин ўтган етти йилни ўнлаб йилларга қиёслаш мумкин. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маънавий-мафкуравий асарлар тўплами — «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобида мамлакатимиз халқи ҳаётидаги бу улкан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, Ватанимизнинг яқин келажакдаги ўрни ва роли ҳақида аниқ, дадил, доно фикрлар ўртага ташланган.

Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган ушбу китобдан Президентимизнинг истиқлолдан кейинги энг долзарб мавзулардаги кўпчилик томонидан холисона баҳоланган асарлари ўрин олган.

«Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда,— деб таъкидлайди муаллиф. — Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай ўзгартиришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак».

Ўтган қисқа даврда йўлбошчимиз олиб бораётган оқилона изчил сиёсат нақадар тўғрилиги амалда ўз ифодасини топди.

Эндиликда бошқа кўпгина МДҲ давлатлари Ўзбекистон тажрибасини, юртбошимиз ўз асарларида аниқ кўрсатиб берган йўлни ўзларида амалга оширмоқдалар.

Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, унда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» сингари асарлари жамланган.



Тўпламни мутолаа қилган китобхон ўзини анчадан бери ўйлантираётган кўпгина саволларга аниқ жавоб топа олади. Уларда буюк келажак сари дадил олға бораётган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар баён этиб берилган.

Муаллиф китоб хулосасида шундай савол қўяди: «Китоб устидаги ишни охирига етказгач, унинг мазмунини фикран кўз олдимга келтириб, умумлаштириб, яна ўзимга-ўзим савол бераман: Шу мавзуга мурожаат қилиш зарур эдими, бугун Ўзбекистон ва у билан бирга Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар кечираётган мураккаб, гоят кескин муаммолар — хавфсизлик, ривожланишни таъминлаш, барқарорлик, собитқадамлик муаммолари ҳақида гапириш зарурати борми?

Ишончим комилки, бунга зарурат бор».

Дарҳақиқат, шундай. Бундай китоб ҳар бир хонадонда, ҳар бир раҳбарнинг иш столида, кутубхонада, талабанинг қўлида бўлиши зарур. У Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга ўз ҳиссасини қўшишга жазм қилган, фидойи, жонкуяр ва ватанпарвар инсонлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз китобда таъкидлаганларидек, "Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир».

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 17 октябрь, шанба • № 124 (23.361).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Осмон остидаги мўъжиза

Амалий мулоқотлар

АШГАБАТ. ***16 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади).***

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Туркманистонга келди. Ашгабат аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди.

Президентимиз Туркманистон пойтахтида 1948 йилда юз берган зилзила оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар хотирасига тикланган ёдгорликни зиёрат қилди. Ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди. Шунингдек, икки давлат Президентлари Ашгабат марказида қуриб битказилаётган масжид биносини кўздан кечирдилар.

Туркманистон Президенти саройи — Туркманбоши кўшкида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнгра икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, минтақавий хавфсизлик, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шу ернинг ўзида Президентлар журналистлар учун қисқача интервью берди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркманбоши кўшкида Президентлар мулоқоти давом этди.

Шу куни Президент Ислом Каримовнинг Туркманистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).



Шаҳрикон гумбазидаги «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалигининг гажриоли пахтакори Мамадали ота Раҳмонов.

Ҳурсандек МУРАБОЕВ олган сурат.

Мукаддас саждагоҳ

Ҳар қандай воқеа-ҳодисага баҳо беришда бир бора унинг аввалига — тарихига назар ташлаш жоиз. Ўз даврида Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғини макон тутган Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳижрий 256 йили рамазон ҳайити куни 62 ёшида вафот этади ва шу ернинг ўзига дафн қилинади. Ҳадис илмининг султони бўлган бобомиз қабри дунё мусулмонларининг улкан зиёратгоҳига айланади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амири Абдуллахон шу ерда улкан масжиду мақбара қурдирган. Узоқ йиллар бу саждагоҳ жаҳон аҳлини ўзига чорлаб келган. Фақат... ўз ўтмишида ўчмас доғлар қолдирган «қизил тузум» даврида бу муқаддас саждагоҳ ҳам хароб бўлди.

Бугун қад ростлаётган мажмуадан нафақат улуғ ҳадисшунос бобомиз, балки ўнлаб тарихий обидаларни бунёд этиб кетишган уста қурувчилар, бунёдкорлар, наққошлар, ганч-ўймакор боболар руҳлари ҳам бағоят шод. Негаки, бундан буён кўҳна шаҳарларимиздаги бетакрор бинолар каби иморатлар, асл шарқона миноралар, гумбазли иншоотлар бунёд этилишига кўзимиз етмасди. Бу каби биноларни бунёд этадиган усталар «қолмаган»дек туюларди. Йўқ, гул унган жойдан яна турфа гуллар унавераркан.

Кўҳна Самарқандга туташ Хартанг қишлоғида қад ростлаган мажмуага қараб тўймайсиз. Имом ал-Бухорий бобомиз руҳи шод кезаётган саждагоҳ деворларида, пойдевори Эрондан келтирилган зумрад тошлардан ишланган нақшинкор устунларида, китоб жавонларини ёдга солиб турувчи жуфт вассали шифтларида, кишини ҳайратга солувчи бошқа хоналарида асл усталаримизнинг меҳнатлари аён кўринади. Қурилишнинг дастлабки кунларидан то сўнгги дамларигача холисанилло меҳнат қилишаётган Асадовлар сулоласига барча бирдек таҳсин айтади. 78 ёшли уста Мирусмон ота ёғоч ўймакорлигини ўринлатса, 73 ёшида ҳам йигитлардек бардам Мирумар ота «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганидан кучига куч қўшилиб тош ўймакорлигини қойиллатмоқда. Улар ёнида Миркамол, Миржамол Асадовлар ва сулоланинг бошқа аъзолари ҳам камарбаста бўлишаётир.

Қўқонлик уста Абдуғани, ганчкор уста Сайдали, уста Ҳожи, уста Ёдгорхон, уста Йўлбарс фарзандлари ва шогирдлари, бухоролик Абдул Аҳад бошлиқ усталар... Уларнинг рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Улкан бунёдкорлик ишларига нафақат самарқандликлар, балки, мамлакатимизнинг барча иймон-эътиқодли кишилари, меҳнат жамоалари муносиб улуш қўшдилар.

Эрта-индин бутун жаҳон мусулмонлари ҳаётида унутилмас маросим бўлади: бу буюк ҳадисчи олим, аллома Имом ал-Бухорий бобомизнинг минг йиллар оша нишонланажак таваллуд кунларидир.

Тўлқин ЭШБЕК

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

Самарқанд — «Нилий гумбазлари кўк ичра кўркли» шаҳар.

Самарқанд — жаннатий ва ўзига хос афсонавий Шоҳи Зинда, Бибиҳоним, Регистон майдонидаги — Улуғбек, Тиллақори ва Гўри Амир... ҳамда истиқлол инъом этган улкан иншоотлари, зиёратгоҳлари дунёни ҳайратга солаётган жаҳоншумул шаҳар.

— «Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир», дея таърифлаган эди Республикамиз Президенти Ислом Каримов осмон остидаги мўъжиза шаҳарда Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида. Шу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда 18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни деб эълон қилинди.

— Бу кун инсон манфаати, фаровонлиги ва тинчлиги йўлида ҳамда навқирон, кўҳна шаҳримизнинг жаҳоний шуҳратини авлодларга бутун бўй-басти билан қолдиришга астойдил ундамоқда, — дейди шаҳар ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Азиз Носиров. — Буюк бобомиз қарийб олти асрдан сўнг севимли шаҳрида тахтга қайта ўтиргандай. Бизга «Миллатнинг дардига дармон бўлинг!» деётгандек. Мана, икки йилдирки, бу ҳайкал пойи қишин-ёзин анвойи гулларга бурканади.

Самарқанд корхоналарида ўтган йили ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳажми 125 фоизга ўсди. Агар 1996 йил 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 11,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу йил эса анча кўпайиши кўзда тутилмоқда. Аҳоли жон бошига шу йилнинг тўққиз ойида 40,7 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотларнинг 71,2 фоизи нодавлат сектор корхоналарига тўғри келмоқда.

Самарқанд шаҳри куни — аслида Ватан байрами, барча юртдошларимизнинг бетимсол байрами. Бу кунни муносиб нишонлаш учун шаҳар аҳли, кўп миллатли халқлар пухта тайёргарлик кўрди. Шу куни эрта тонгдан карнай-сурнай садолари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларни Амир Темур майдонига чорлайди. Бу ерда қутлуғ қадамжода байрамга бағишлаб наҳор оши тортилади. Куй-қўшиқ, жозибали рақслар авжига чиқади. Тушдан кейин байрам шодиёналари шаҳар марказий ўйингоҳига кўчади. Ўйингоҳда пойтахтдан келган машҳур санъаткорлар иштирокида катта концерт ва спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қутлуғ байрам арафасида

Мамлакатимизда буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тўйига саноқли кунлар қолди. Байрамнинг асосий тантаналари ўтадиган Фарғона ва Қувада бу қутлуғ санага тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳнинг бош майдонида улуғ бобокалонимизнинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Миллий ҳунармандлик мактаби ўймакорлик санъатининг ноёб анъаналари асосида тиклинган улуғвор устунлар кўкка бўй чўзди. Майдонда ўн бир фаввора бир-бирига уйғун равишда сув сочиб, бу улкан гулшанга алоҳида кўрк ва чирой бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги гуруҳ 16 октябрь куни мазкур мажмуада олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар, усталар, таъмирловчилар билан суҳбатлашдилар. Бажарилган катта бунёдкорлик ишларидан мамнуният изҳор этиб, йўл қўйилган айрим нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, улар Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар қандай ижро этилиши билан танишдилар.

Ташкилий қўмита аъзолари Қува шаҳристонида ҳам бўлиб, бу ерда байрам муносабати билан олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик ишларини кўздан кечирдилар.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов қатнашди.

(ЎзА)

Инсон ҳуқуқлари йўлида

Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги муносабати билан БМТ Ривожланиш Дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда БМТнинг Ўзбекистондаги вакили П. Крал, лойиҳанинг миллий координатори А. Саидов, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) С. Рашидова, Бош техник маслаҳатчи Нур Фароҳат жаноблари маъруза қилиб, лойиҳанинг кўзлаган режалари ва унинг биринчи босқичида амалга оширилган ишлар юзасидан йиғилганларга атрофлича маълумот бердилар.

Асосий режалар эса ҳали олдинда. Лойиҳанинг режалари бир неча йўналишларда давом этиб, ҳатто, нодавлат ташкилотлар тўғрисидаги, жиноят жараёнига тегишли, суд тизими тўғрисидаги, адвокатура ва прокуратура тўғрисидаги қонунларимизни халқаро маслаҳатчилар ёрдамида такомиллаштиришгача бўлган жараённи ўз ичига олиши керак.

Аммо, ўрни келганда бир мулоҳазамизни айтиб қўйсак ҳам нотўғри бўлмас. Мазкур тадбир инглиз ва рус тилларида давом этди. Агар халқаро ташкилотлар вакилларининг инглиз тилини яхши билишини, республикамиздан қатнашаётганларнинг эса давлат тилини билишлари шартлигини (ҳали ўрганиб улгурмаганлар бўлса жуда озчилик эканлигини) назарда тутсак, анжуман инглиз ва ўзбек тилларида олиб борилса айни муддао бўларди. Бу — давлат тилида сўзлашувчи иштирокчиларнинг ахборот олиш ҲУҚУҚларига ҳам мос келади.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Пахта — 98»
Вобкентликлар яна биринчи

Мавсумда 403 минг тонналик хирмон уюшга аҳд қилган бухоролик пахтакорлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Вилоятда биринчи бўлиб Вобкент тумани миришкорлари ғалаба манзилига етдилар. 11751 гектар ерда деҳқончилик қилиб, Ватан хирмонига 37410 тоннадан ортиқ ҳосил етказиб берилди. Ҳосилдорлик эса 32 центнерни ташкил этди. Маҳсулотнинг 90 фоизи биринчи навларга сотилди. Бу ютуққа М. Жўрабоев номли, Й. Охунбобоев номли, И. Наимов ва Р. Усенов номли, «Зарбдор», «Зарафшон» ҳамда Х.Камолов номли жамоа ҳўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

Обуна 99

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Компаниянгиз бўйича неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Зафар ФАЙЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси.

— Ўтмишда одамлар дунё воқеа-ҳодисаларидан бохабар бўлиш учун туя карвонларини кутишар экан. Мақсад — савдогар билан мулоқотда бўлиб, курраи заминда юз бераётган турли ўзгаришлар, маданий-маърифий воқеалардан хабардор бўлиш экан. Мана энди замона зайли билан дунё хабарларини оммавий ахборот воситалари, яъни радио-телевидение, газета-журналларсиз тасаввур этиш қийин.

Сирасини айтсам, «Ўзбекистон овози»нинг ўзига хос сиёсий-ижтимоий чиқишлари менга маъқул келади. Аввало ўзим столимда шу газета бўлишини ҳамиша истайман. Компаниямизга тегишли барча корхона, ташкилот, муассаса ва жамоаларда ҳам шу газетани ўқиб туришларини тавсия қиламан. Компаниямизда минглаб одамлар меҳнат қилади. Ўйлайманки, «Ўзбексавдо»га қарашли барча жамоаларда газетага обуна бўлишни тўғри ташкил қилиш йўлида саъй-ҳаракатлар бўлади. Ният — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари билан ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш юртимизда савдо ишларини, одамларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашдан иборат.

Бу дунёнинг ишлари

Титан — темир-терсак, сурма — кедр ёнғоғими?

Узоқ Шарқнинг Хитой чегарасидаги «Полтавка» божхона бекати хизматчилари навбатдаги юк поезди вагонларини кузатувдан ўтказаётганларида искович итнинг безовталик билан акиллашидан хушёр тортишди. Текширув кучайтирилгач вагонларнинг биридан 915 килограмм титан, 900 килограмм қумоқланган барий ва 1 тоннага яқин сурма топилди. Ушлаб қолинган ушбу металлар самолётсозлик, ҳарбий кемасозлик ва космонавтика саноати учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади. «Ишбилармонлар» титанни темир-терсак чиқиндилари, барий ва сурма солинган қопларни кедр ёнғоғи, деб ҳужжатлаштиришган.

Сиёсий раҳбарларнинг айби билан

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Косово кризиси бўйича қўйилаётган талаблари ҳанузгача бажарилмай турибди. Бу ҳақда НАТО Бош котиби Хавьер Солана ахборот берди. Унинг таъкидлашича, НАТО делегатлари Югославия раҳбари Слободан Милошевичдан Вашингтоннинг махсус вакили Ричард Холбурк билан бўлиб ўтган суҳбатларда эришилган келишувларга амал қилишини талаб этмоқда. Хавьер Солана Югославия халқига мурожаат этиб, мамлакатдаги тангликнинг бош айбдорлари Югославия ҳамда Косово албанлари сиёсий раҳбарлари эканлигини таъкидлади.

Шанба охирги муддат

НАТО Бош котиби Хавьер Солана Белградда Югославия Президенти Милошевич билан суҳбатлашиб, барча ҳарбий қисмларнинг тезлик билан Косоводан олиб чиқиб кетилишини талаб қилганлигини айтди. Халқаро жамоатчилик вакилларининг қарорига кўра шанба охирги муддат қилиб белгиланган. Бош котиб НАТО самолётларининг ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлари тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яна бир бор таъкидлади. Солананинг ушбу берган ахборотидан оз муддат илгарироқ Косово марказида жойлашган Би-Би-Си мухбирларининг хабарларига кўра у ерда жойлашган Сербия полициячиларнинг бир қисми ўзларининг эгаллаб турган жойларидан чиқиб кетишган. Лекин асосий қисмлар ҳануз ўз жойларини тарк этишгани йўқ.

Халқаро ярмаркага таклиф

Андижонда фаолият кўрсатаётган «Андижон дурдонаси» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси жаҳон андозаларида маҳсулот чиқармоқда. Бу ерда бир литрли идишларда олма, ўрик, шафтоли, олхўри шарбатлари қадоқланмоқда. Москвада ўтказилган халқаро кўргазмада бу маҳсулотлар олтин медалга сазовор бўлди. Қизиғи шундаки, қўшма корхона келаси йили бошида ўтказиладиган «Халқаро яшил ҳафта» ярмаркасига таклиф қилинган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Саид АҲМАД

АЗОБ

Вилоят ҳокими Эргаш Носиров уйига алла-паллада қайтди. Болалари ухлаб ётишибди. Хотини олиб келган овқат томоғидан ўтмади. Бир-икки қошиқ татиган бўлди-ю, косани нари суриб қўйди.

— Қаёқда эдингиз? Хавотир олиб ухлолмадим.

Эргашвой жавоб ўрнига, соатига қаради: бирдан ошибди.

— Поччам оламдан ўтибдилар, ўша ёқда эдим.

— Вой, ўлмасам, — деди хотини тамоман уйқуси қочиб. — Нега менга хабар қилмадингиз? Борардим. Ахир, ота ўрнида ота эдилар.

Эргашвойнинг ёшлигида отаонаси оламдан кўз юмиб кетади. Уни опаси ўзининг тўрт боласи қатори бағрига босади. Поччаси тиниб-тинчимас одам эди. Иморат қурадиганларнинг ҳожатини чиқарарди. Тўнғич ўғлини ёнига олиб, арракашлик қилиб, қучоққа сиғмас ғўлалардан тахта тиларди. Ром ясар, битмаган иморатларнинг томини ёпарди. Хулласи, қишин-ёзин унга бирдек иш топилиб турарди. Эргашвой шу меҳнаткаш одамнинг қўлида муҳтожлик нималигини, етимлик нималигини билмай ўсди. Уста Туроб ўз болалари қатори уни кийинтирди, едирди, ичирди. Ёшига етиб, институтда ўқиётган пайтларда Тошкентга бориб, топган-тутганини қўлига бериб келарди. Аммо унга асло насиҳат қилмасди. Ўзининг эс-ҳуши жойида, насиҳат ортиқча деб биларди. Шу етимгина укасига меҳрибонлик қилаётган эридан опаси миннатдор эди. Баъзан кўзёши тўкиб, уни чин дилдан дуо қиларди.

Умри меҳнат билан ўтган уста Туроб оламдан ўтди. Эргашвой тўрт азамат жиянлари ёнида бел боғлаб, «вой, отам»лаб тобут олдида борди.

Хотини пиқ-пиқ йиғлаб: «Эртага мени ҳам олакетинг, янгам бечоранинг ёнида бўлай!» деди.

— Хўп, — деди Эргашвой. — Энди озроқ мизғиб олай, жуда чарчадим.

У шундай дедию ётоққа кириб кетди.

Эргашвойнинг вилоят ҳокими қилиб тайинланганига атиги икки ой бўлди. Ҳали тузук-қуруқ иш бошлагани ҳам йўқ эди. Вилоят катта, унда тоғ ҳам, дарё ҳам, чўл ҳам бор. Илгариги ҳоким бир чиқиб кетганича икки-уч кунлаб уйга қайтиб келолмасди. Эргашвой аввал ҳам ҳокимиятда кичик лавозимларда ишлагани сабабли туманларни, хўжаликларни яхши биларди.

Эргашвой энди кўзи юмилганда сигир маъраб уйқусини қочирди. Бу қанақа сигир бўлди? Қўшниларникими деса, овози ҳовлидан келяпти.

Эргашвой тўнини елкасига ташлаб айвонга чиқди. Хотини столга бошини тираб йиғлаяпти. У оёқ товушини эшитиб бошини кўтарди: икки кўзи жиққа ёш эди.

— Бу қанақа сигир? — деди Эргашвой хотинига зардали товушда.

— Қўштегирмонлик раис Нормат ака ташлаб кетди.

— Ҳозир сигир олишга қурбимиз етмайди, дей айтмадингми?

— Айтдим. Эй, келин, хотин кишисиз-да, эркакларнинг ишини тушунмайсиз, Эргашвой жигаримдек бўлса, ундан пул оламанми — ҳоким бўлганига суюнчи бу, яъни подарка, соғиб ичаверинглар, энди шу она-бола сигир сизларники, — деди.

Эргашвойнинг пешонаси тиришди. Бир сўз демай ётоққа кириб кетди. Шу ётганича соат бешдан ошганида уйғонди. Уйғондию «уяли» телефон билан Қўштегирмонга — Нормат раисга қўнғироқ қилди. «Лаббай», деган уйқули товуш эшитилди.

— Нормат ака, ҳозир сизга машина боради, бизникига келинг, бирга нонушта қиламиз.

— Ўзимнинг машинамда бораверамаи, — деди раис. — Шофёрингизни оврора қилманг.

— Илтимос, хўп денг. Бошқа гаплар ҳам бор, албатта орденларингизни ҳам тақиб келинг!

— Хўп бўлади, ҳоким бува! Телевизорга чиқамизми?..

Энди унинг овози жаранглади. Она-бола сигир кучини кўрсатди, деб ўйлаётган бўлса керак. Қаловини топсанг қор ёнади деб, бекорга айтмаганлар, илинди. Жуда чиройли бўлиб илинди.

Қўштегирмон билан вилоят марказининг оралиғи атиги ўн тўрт километр, ҳозир йўлга чиқса, ўн беш минутга қолмай етиб келади.

Эргаш Носиров ДАНга телефон қилиб, ким биландир гаплашди. Кейин ҳовлига чиқиб, она-бола сигирни кўздан кечирди.

Ўх-хў, бунақа сигир бозорда фалон пул бўлса керак. Хотининнинг гапига қараганда, кунига уч маҳал соғиш керак экан. Нечук шунча пулли нарсани текинга ташлаб кетди экан? Ахир, у Тошкентга қурултойларга боришганда ўзига ўхшаган серхарж раислар билан ресторанларга киришарди, ақалли бир марта бўлсин, «Сен ҳам юр!» демаган. Эргашвойнинг ҳамёни бунақа харжларни кўтармасди. Шунинг учун ҳам меҳмонхона буфетида енгилгина овқатланиб қўя қоларди.

Пахтакорлар қурултойига боришганда Нормат раис орденларини тақиб оларди. Чиндан ҳам унинг орденлари кўп эди. Йилора орден оларди. Бошқа раислар ҳазил қилиб: «Нормат ака, сизнинг икки костюмлик ордени бор», дейишарди. Сал оғзи ботирроқлари: «Леонид Ильич бўлиб кет-э!» деса, бошқаси: «Яхши дўхтир танишим бор, чап кўкрагингни кенгайтириб бераси!» деб одамларни кулдиради. У юрганда жаранг-журунг овоз чиқарди, ҳатто қурултойга раислик қилаётган раҳбар унга: «Нормат ака қимирламай ўтиринг, орденларингиз жаранглаб доклад эшитишга ҳалақит берянти», деганди. Ўшанда қурултой аҳли гурра кулиб юборганди.

Эргашвой бир гал қурултойга борганда Нормат раис меҳмонхона пастида уни кутиб турган экан.

— Мундоқ қилсак, — деди раис унинг олдига келиб, — эрталабки мажлисга сен қатнашмасанг ҳам бўлади. Чорва масаласи кўрилади. Сенга алоқаси йўқ гаплар.

У шундай дея туриб ёнидан бир даста пул чиқариб унга узатди:

— Тахтапулдаги чойхонага бориб, ўн кишилик ош буюр! Водий раислари билан ошхўрлик қиламиз. Хўпми, акаси? Масхарабоз Обид калтани ҳам топ, бир кулишиб ўтирайлик.

Эргашвой ғалати бир ҳолга тушди. Бу раис мени ким деб ўйлаяпти? Жуда ўзидан кетибди-ку!

У жаҳл билан пулларни унинг чўнтагига тиқиб қўйди.

— Мен сизга малай эмасман! Қурултойга сизнинг чамадонингизни кўтариб юришга, дастёрлик қилишга келмаганман!

Раис ундан бунақа гап кутмаганди. Ювош, баёв бола деб биларди.

— Сени ўсадиган кадр бўлади деб ўйлаган эдим. Шу феъ-линг бўлса, икки дунёда ҳам косанг оқармайди. Ёнимга олиб, ўсишингга ёрдамлашмоқчи эдим. Қўлимдан ҳар иш келишини биласан-ку, энди ўзингдан кўр! Шу кичкинагина амалингдан ҳам айрилиб қоласан.

Эргашвой қатъий қўл силтади:

— Пешонамдагини кўраверамаи, ака!

Халқ таъбири билан айтганда, Нормат раис бир замбар лой бўлиб қолган эди ўшанда.

Нормат ҳар қандай бир сўзли ўжар райком котибини ҳам ўзига ром қилиб оларди. Қишлоқ раҳбарларининг, айниқса, райком котибларининг отпускаси қиш пайтига тўғри келарди. Шунга қарамасдан улар дам олиш учун Ялтагами, Сочига кетишарди. Бу пайтда на денгизда чўмилиб бўлади, на соҳилда ўзини офтобга тоблаб бўлади. Ҳеч бўлмаса муолажасидан фойдаланаман, массаж, хилма-хил ванналарга тушиб таранг асабларимни юмшатиб келаман, деб ўйлашарди.

Қайси бир райком котиби курортга кетса Нормат раис орқасидан кассири билан етиб борарди. Санаторийга яқин жойдан ижара уй олиб котибнинг хизматини қиларди. Қиш, ҳаммаёқ қор, дам олиш мавсумининг энг зерикарли пайтлари. Ана шундай пайтларда Нормат уларнинг жонларига оро кирарди. Кунора ошхўрлик, норинхўрлик кимга ёқмайди, дейсиз. Бир чемодан қази, бир халта Ўзганнинг девзираси, қоғоз қутидаги Дошнобод анори тугагунча ҳар куни қозон қайнаб турарди. Ана шундай курорт мавсумларида Нормат кўп ишларини битказиб оларди. Котиблар билан ёшроғи бўлса ота-бола, ўрта яшар бўлса, қадрдон, кексароқ бўлса «фарзанд» бўлиб кетарди.

Бир гал Рисқиев деган райком котибининг орақасидан борганда иши юришмади. Унинг ошқозони хасталигидан фақат парҳез таом еяр экан, «базми жамшидга» бормади. Укол олиб, дори ичиб, санаторийдан чиқмади. Нормат бегоналарга едирадиган анойилардан эмасди. Шунча йўл босиб, олиб борган нарсаларини қайтариб олиб келди. Эсиз шунча пул. Икки кишига бориш-келиш палон пул, дея афсусланди.

Баъзан у кайф қилган пайтларида, «палончи» котибми, нима деб ўтирибсан, гаҳ, десам қўлимга қўнади, йўриғимга юрмай кўрсинчи, ўғлига мотоциклни ким олиб берган, Нормат аканг олиб берган, деб мақтанарди.

Унинг бу хил қиликларини Эргашвой яхши биларди. Шунинг учун ҳам ундан узоқроқ юрарди.

Ташқаридан машина овози эшитилди. Олтита седонали иссиқ нон, шиша бонкада асал кўтариб, орденларини жаранглатиб, хандонхушхон Нормат кириб келди. Эгнида янги костюм, бошида тахтакачдан янги чиққан чустдўппи. Соқоли хафсала билан олинган. Икки лунжи худди арчилган шафтолига ўхшарди. Будённийникига ўхшаган шоп мўйлови лок суртилгандек ялтирарди. Ундан гуп-гуп атир ҳиди анқийди. У йўл-йўлакай жовраб келарди.

— Қаранг, ровна ўн тўққиз минутда етиб келибман, — деди у билагидаги соатига қараб. — Уйингиз билан менинг уйим ораси 19 минутли йўл экан.

Норматнинг билагидаги шу соат бир вақтлар Эргашвойники эди. У стипендиясидан ортдириб йиғиб юрган пулига бир Саудиялик талабадан сотиб олган эди.

Бундан уч йил олдин касаба союзлари қурултойига борганда делегатлар учун махсус очилган магазинда Бельгияда тикилган аёллар пальтоси сотилаётган эди. Эргашвой биттасини танлади. Ёнидан пул чиқазиб санаган эди 40 сўм пул етмади. Ҳайрон бўлиб турган эди Нормат раис келиб бирданига учта пальтони қоғозга ўратди.

— Биттаси хотинимга, бешик тўйларига кияди. Биттаси келинимга, яна биттаси... — Раис бир кўзини қисиб қўйди, — бир жононга. Нега серрайиб турибсан? Олмайсанми?

— Азроқ пул етмаяпти, — деди Эргашвой.

Пулинг йўқ экан, нима қилардинг магазинга кириб.

Эргашвой билагидан соатини чиқарди.

— Раис бува шу соатни олмайсизми, Швейцарияники, аниқ юради.

Нормат соатни қўлига олиб қулоғига тутди.

Эҳ-хе, ҳафтанинг ҳамма кунларини, қайси ойлигини ҳам кўрсатар экан. Қанча берай?

— Ўзим уч юз эллик сўмга олгандим. Сиз икки юз сўм берақолинг.

— Ундоқ эмас-да, укагинам, юз сўм берсам ҳам бўлардию сенга жавр бўлмасин , деб юз эллик сўм бераман.

У шундай деб пештахта устига учта эллик сўмлик ташлади.

Бу воқеадан Эргашвой ранжимади. Қўлидан кетган қадрдон соатига ачинмади. Хотининнинг пальтони кўргандаги қувончи олдида, соат нима деган гап...

Норматнинг оғзи гапдан бўшамасди.

— Билардим, билардим! Бир куни жонажон вилоятимизга ўзингиз ҳоким бўлишингизни билардим! Вилоятимиз энди ҳокимга ёлчиди, кўрқмай ишлайверинг. Ёнингизда тоғдай бўлиб, ўзим туриб бераман! Қани, бирортаси кўз олайтириб кўрсин-чи! Бизга ўхшаган иш кўрган, тажриба орттирган акаларингизга суянсангиз, доғда қолмайсиз. Ҳаммага ишонаверманг. Кимга қанақа муомала қилишни ўзим айтиб тураман. Мана, нонуштага Ургутнинг асалидан олиб келдим. Маъқул бўлса, эртага бир фляга ташлаб кетаман.

Улар эндигина бир пиёладан чой ичишган эди, кўча томондан ДАН машинасининг товуши эшитилди.

— Қани, кетдик, — деди Эргашвой.

Ташқарида вилоят шофёрларининг «офати» — ДАН инспектори кутиб турарди. Сигир билан бузоқни ҳам шу ерда кўриб, Нормат ҳайрон бўлди.

— Нормат ака, мени ким деб ўйладингиз? Сигирингизни олиб кетинг! Мен бунақа суюнчиларга ўрганмаганман.

— Ия-ия, қизиқ бўлди-ку! Мен дилдан чиқариб...

ДАН инспектори сигир-бузоқнинг арқонини раиснинг қўлига тутқазди.

— Қани, кетдик, ака! Мен йўл бошлайман. Орқадан шошилмай етаклаб келаверасиз.

Нормат илтижо билан Эргаш Носировга қаради.

— Бу қанақаси бўлди, укам? Агар шунчалик бўлса, одам юбораман, олиб кетишади.

— Йўқ, ўзингиз ҳайдаб кетасиз!

Эргашвой шундай дедию ичкарига кириб кетди.

Машина қўзғолди.

— Орқамдан қолманг! — деб буюрди инспектор.

Инспектор айтганини қиладиган қайсар одам эди. Уни гапга кўндириб бўлмас эди. Норматнинг ўғли йўл қоидасини бузгани учун ҳужжатларини олдириб қўйганда раис олти марта ялиниб бориб ҳам уни гапга кўндиролмаган. Қайтадан имтиҳон топширишга мажбур қилган. Ўтолмаган. Ҳозир унга ялиниб-ёлворишдан иш чиқмаслигини билади. У имиллаб бораётган машина орқасидан сигирни судраб борарди.

Эрталаб ишга кетаётганлар, автобусдагилар, машинадагилар унга ажабланиб қарашади. Йўловчилар кўкраги тўла орден, савлатли кишининг сигир етаклаб келаётганини кўриб ажабланишарди. Одамлар кўп сут берадиган сигирни вилоят кўрик-танловига олиб кетяпти шекилли, деб ўйлашарди. Аммо, Нормат обрўли одамнинг жасадини қабристонга олиб кетаётгандек, машина орқасидан буюк бир мотамсаролик билан борарди.

— Жон ука, бирорта юк машинасини тўхтатиб бер. Чиқазиб олай.

— Мумкин эмас, ўзингиз пиёда етаклаб борасиз!

— Ҳеч бўлмаса, сигир етаклашга бирорта одам топиб бер, қанча сўраса — бераман!

— Мумкин эмас. Ўзингиз оборасиз. Биласизми, сизнинг вазнингиздаги одам кунига ўн беш километр пиёда юриши керак. Бошингизни кўтариб юринг, телевизорга олишяпти.

Нормат дўпписи билан юзини беркитди. У ҳеч қаёққа қарамас, юзи ёпиқ бўлгани учун йўлни кўролмай ҳар қадамда қоқиларди.

Йўлда учраган одам борки: «Сигир неча пул бўлди? Ё сотгани олиб кетяпсизми?» деб қайта-қайта сўрайди. Норматнинг тили гапга келмайди. Мум тишлагандек, гунг бўлиб олган.

Шаҳардан чиқиш йўли кавланган, водопровод қувурини алмаштиришаётган эди. Ўтиб бўлмади. Тахминан, бир ярим километр орқага қайтиб, бошқа йўлдан кета бошлашди.

— Жон укам, шу сигирни ҳам олақол, мен кетдим! — деди зарда билан Нормат раис.

— Менга сигир керак эмас, ўзингизга буюрсин!

— Дуч келган одамга текинга бериб юбораман.

— Бўлмайди! — деди инспектор. — Халқ мулкини кўз қорачиғидай асраш керак, раис!

Шу алпозда улар шаҳар чеккасига чиқишди. Инспектор машинасини тўхтатди. Рация орқали аллаким биландир гаплашди. Кейин:

— Бу ёғига йўлни ўзингиз биласиз, мен кетдим, — дедию машина тезлигини ошириб жўнаб кетди.

Раис сигир-бузоқ билан кўча ўртасида қолди...

Тўрт кундан кейин вилоят халқ депутатларининг сессияси бўлди.

Ҳар гал шунақа йиғин олдидан Норматвой атрофига одам тўплаб, латифа айтиб кулдирар, баъзи кичик раҳбарларнинг юришини қилиб кўрсатарди. Бу гал Нормат раис ҳаммадан олдин залга кириб, бир ўзи ўтирибди. Бошқалар мажлис олдидан гурунглашиб юришибди.

Тўрт кун олдинги воқеа аллақачон овоза бўлиб кетган. Бугун албатта унинг тақдири ҳал бўлади, деб ўйлашарди. Зал одамга тўла. ДАН инспектори ҳайъатда ўтирган Эргаш Носировга видеокассета бериб, орқароққа бориб ўтирди. Нормат раиснинг ичида бир нима узилиб кетгандай бўлди. Кўзлари тиниб, боши ғувиллади.

Ҳоким вилоятда чорвага қишки озуқа тайёрлаш ёмон аҳволда эканлиги тўғрисида аниқ фактларни келтириб, маъруза қилди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари аёвсиз танқидга учради.

Нормат, энди менга навбат келди деганда, ҳоким бошқа масалани бошлайди. Юраги тарс ёрилаёзган Нормат, менинг масалам охирида бўлади шекилли, деб ҳукм кутаётган судланувчидек карахт бир алфозда эди. Охирида видео кўрсатиб, шарманда қилади, деб атрофга жавдираб қарарди.

Нормат раис тўғрисида гап бўлмади. Шу билан қутулдимми-кан, деб ўйларди у.

Уч-тўрт ой вақт ўтди. Нормат раиснинг вилоят маркази кўчаларида сигир етаклагани одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди. Бу орада вилоят микёсида қанча-қанча йиғинлар ўтди, фаоллар мажлиси бўлди, халқ депутатлари сессияси бўлди. Бироқ, ҳоким ҳамон жим эди. Шу йиғинларнинг ҳаммасида Нормат раис юрагини ҳовучлаб ўтирди. Чақиришмаса ҳам борди. Мен йўқимда масаламни ҳал қилиб қўйишмасин, деб ҳадиксираги. У озиб, шоп мўйловлари осилиб қолди. Шу алфозда ҳадик билан яшаш раснинг жонига тегди. Шунча йил раислик қилдим, худога шукр, уйим бор, жойим бор, машинам бор, бола-чақамни уйли-жойли қилдим, бас энди — ишни топширишим керак, деган ўйга келди раис. У умрида бирор марта ариза ёзмаган, хат битмаган. Қоғозларга имзо чекиб юраверган экан, ариза ёзиш, наинки ариза, оддий хат ёзиш ҳам шунчалар қийин эканини энди билди. Икки соат ўтириб беш-олти варақ қоғозни қоралади, келиштира олмади. Охири у котиб болани чақириб, ариза ёзиб беришни буюрди.

— Чарчадим, раҳбарлик ишга чоғим келмай қолди. Вазифамдан озод қилишингизни сўрайман, деб ёз!

Котиб, нега қўйинг, унақа қилманг, демади. У ҳамма вақт раис нима деса, айтганидан ҳам афзал қилиб қоғозга туширган.

Нормат раис эрталаб соқолини қиртишлаб, орденларини тақиб, вилоят ҳокимлигига ариза топшириш учун борди. Ҳокимнинг олдида одам бор экан. Котибадан аризани киритиб юборди. Ичкаридаги одам чиқиб кетди ҳамки, ҳоким уни чақирмади.

— Эй қизим, менга қара, мен келганимни ҳокимга айтингми? — деди у тоқати тоқ бўлиб.

— Йўқ, — деди котиба. — Аризангизни бердим, холос.

— Жон болам, кириб айт, олдингизга кирмоқчи, деб айт!

Котиба ичкарига кириб, бир даста қоғоз кўтариб чиқар экан: «Киринг, кутяптилар», деди.

Нормат раис журъатсизлик билан эшикни очди. У албатта мени бўшатади, бу даргоҳга охирги марта киришим, деб кўнглидан ўтказди.

Ҳоким қандайдир бир жиддий ҳужжатни ўқияпти шекилли, унинг кирганини сезмади. Орденларнинг жиринглашини эшитиб, бошини кўтарди.

Эргашвой ўрнидан туриб уни кутиб олди. У раис билан креслода ўтириб эмас, диванда ёнма-ён ўтириб гаплашди.

— Нима бўлди? Ишламайман, деб ариза ёзибсиз?

— Ҳа-а энди, — деди раис. — Шунча ишладим, етар, энди бу азобларга чидай олмайман.

— Сизга ким азоб беряпти, айтинг?

— Сиз! — деди Нормат. — Тўрт ойдан бери кутаман. Нечанеча йиғинлар ўтди, аммо менинг масаламни мажлисдан мажлисга қолдирасиз. Қўйинг, ўладиганнинг ўлгани дуруст, уйдагиларнинг тингани дуруст.

— Сизга ким айтди масаланг-из кўрилади, деб?

— Ёш бола эмасман, ўзим биламан.

Эргашвой қизишиб кетди.

— Менга қаранг, раис ака! Сизга ҳеч ким азоб бераётгани йўқ, сиз ўзингизга ўзингиз азоб беряпсиз. Бу яхши. Одам ўз қилмиши учун ўзини ўзи жазолай олса, ўзига ўзи азоб бера олса, у одамга ишонса бўлади. Сиз яхши раиссиз, ишни биласиз, хўжалигингиз вилоятда энг намунали хўжалик. Бу жиҳатдан кўнглим тўқ. Сиз ишлайсиз! Аризангизни ўзингиз йиртиб ташлайсизми ё эсдаликка менда қолсинми?

Раиснинг Будённийникига ўхшаган мўйлови титради. Нима учун ўрнидан турганини ўзи ҳам билмади. Нима учун ҳоким томонга қўл узатди — эслай олмади. Аризамни қайтиб бера қолинг, демоқчи эди, шекилли. Эргаш Носиров унинг очиқ кафтига тўрт букланган аризани қўйди. Нормат қоғозни бурда-бурда қилди-да, қаёққа ташлашини билмай, охири чўнтагига солди.

— Келишдик-а? — деди ҳоким. — Ҳар хил хаёлларга борманг, ишингизни давом эттираверинг!

Нормат раис у билан хайрлашаётганда негадир гавдасининг оғирлигини сезмади. Эшик тутқичига энди қўл узатган эди, ҳоким уни тўхтатди.

— Сизга битта гап айтай, асло эсингиздан чиқарманг: кўкрагингиздагиларни олиб қўйинг. Буларни берган ҳукумат аллақачон йўқ бўлиб кетган.

Орадан тўрт ой ўтиб, вилоят ҳокими Эргаш Носиров поччасининг йил ошини ўтказди. Одам кўп келди. Улар орасида Нормат раис ҳам бор эди. Аммо унга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳатто танишмади ҳам. Кўпчилик унинг кўксидаги орденларга қараб, юзининг қанақалигига унча эътибор бермаган экан. У эл қатори ош еб чиқиб кетди.

Қатимлар қатида кўнгил яширин.

Шайх Ховандитаҳурдур

Бир зотким, қабри поки кўзга сурмайди Сурдур,[1]
Файз ила лиммо-лим, футуҳ ила пурнурдур,
Юз тутса анга ҳар ким кўнгил уйи маъмурдур,
Номини тилга олсам юрагимда ҳузурдур,
Бу зоти бобаракот Шайх Ховандитаҳурдур.

Хожа Умар — отаси, мавлиди[2] Боғистоний,
Илмга тўла эди, билсанг, икки жаҳоний,
Камтарин зот эдилар, қалбда сирри пинҳоний,
Валийлар ичра сара, ақлда ногаҳоний,
Тан бермиш анга барча, бир илоҳий зуҳурдур.

Хожа Умарга етиб Ҳақнинг буюк инъоми,
Таралди олам ичра улуғ фарзанд паёми,
Тарбияга қаралди туну кун эҳтимоми,
Илми Илоҳий бирла йўғрилди батамоми,
Шод бўлди хоҳи тирик, хоҳи аҳли қубурдур.

Тасаввуфда камолга етишдилар Шайх Ховандитаҳур,
Мақтову тавсифига элни тили эди банд,
Ҳироту Шому Ироқ, Бухорову Самарқанд,
Аҳли аро бўлдилар тасаввуфда сарбаланд,
Илоҳий май бобида шароби антаҳурдур.[3]

Хожагонлар руҳидин қўлларида май эди,
Баҳоуддин Нақшбанд меҳри пайдарпай эди,
Кароматлар бобида лаҳзада Ер тай[4] эди,
Ҳудо халқи йўлида кори доим саъй эди,
Фазилатлар бобида иттифоқи жумҳурдир.[5]

Китоби «Фақарот»да Хожа Аҳрор тан берган,
«Масмуъот»да Мир Абдул Аввал[6] такрор тан берган.
«Рашаҳот» ичра Али Сафий бисёр тан берган,
Бошқа кўп мусаннифлар, не дей, кўп бор тан берган,
Ватанга асл фарзанд, халққа эса ғурурдур.

Халойиқнинг қалбига марҳами жон эдилар,
Етим-есир пойига доим дармон эдилар,
Комил инсон дардида юраги қон эдилар,
Элга бергани доим илму урфон эдилар,
Маърифат тарқатурда «Ва-ш-Шамси»йу «Ва-т-Тур»дур.[7]

Мустақиллик шамоли тегмиш бугун бағрига,
Энди асло йўл йўқдир қора кучлар аврига,[8]
Муҳиббий, чегара бор халойиқнинг сабрига,
Не бахт, йўллар очилди аҳли Тошканд бабрига,[9]
Шайх Ховандинг руҳида бугун катта сурурдир.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

1. **Сурмайи Сур** — шодлик тантанасида кўзга суриладиган сурма
2. **Мавлид** — туғилган жой
3. **Шаробан таҳур** — Қуръонда тилга олинган шароб
4. **Ерни тай қилмоқ** — бир лаҳзада ўзга ерда бўлмоқ.
5. **Иттифоқи жумҳур** — бирор ишнинг каттаю-кичик томонидан тан олиниши
6. **Мир Абдул Аввал** — Хожа Аҳрорнинг сафдоши ва куёви
7. **Ва-ш-Шамси ва Ва-т-Тур** — Қуръон сураларининг номи
8. **Абр** — булут
9. **Бабр** — Йўлбарс, Бобур сўзи шу сўзнинг бузиб айтилиши

Академик маъруза қилди

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида Туркманистон Фанлар академиясининг академиги В. М. Массоннинг «Ранние цивилизации и первые формы государственности» («Илк цивилизациялар ва дастлабки давлатчилик шакллари») мавзуида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Маъруза мазмунан бойлиги ва қизиқарли бўлганлиги билан семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ойгул СУЮНОВА

Хатлар, хатлар, хатлар

Газетхон

... танқид қилади

Безор бўлдик

Ёмғир ёғди ёки қаттиқроқ шамол турди дегунча Гулистон шаҳри «Янги ҳаёт» маҳалласидаги Аноров, Увайсий, Олчазор, Турсунзода, Самарқанд кўчаларида истиқомат қиладиган хонадонларда электр чироқлари ўчиб қолавераді. Яқинда, яъни биринчи қор ёққан куни ҳам яна шундай бўлди. Ўтган қиш ва куз ойларида бундай аҳволдан роса қийналган эдик. Хўш, бу йилги қишда аҳволимиз қандай бўлар экан? Наҳотки шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари шу муаммони ҳал этишга ожиз бўлсалар?

Маҳалла аҳли номидан
А. ЖОНИБЕКОВ, У. АВВАЛБОЕВ,
А. УМАРИЙ ва бошқалар.

... ташаккур билдиради

Чойхонамас, кошона!

Гулистон шаҳрига кираверишдаги «Дўстлик» канали бўйида замонавий чойхона барпо этилди. Унинг дид билан жиҳозлантирилгани барчани хушнуд этаётир. Ажойиб миллий сўрилар, анҳор бўйига ўрнатилган ўриндиқларда ўтириб, мириқиб ҳордиқ чиқариш завқини билгиси келганлар яхшиси бу ерга ташриф буюргани маъқул.

Бу кошона кўрки, салобати, миллий ва замонавийлиги жиҳатидан ҳозирча вилоятимизда ягона. Келажакда шундай чойхоналар кўпайиши зарур деб ҳисоблайман. Негаки, маҳалла гузари каби миллий чойхоналар ҳам ўзига яраша тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бектурсун ПИРМАТОВ,
Гулистон шаҳар «Нуроний»
жамғармаси раҳбари.

... хабар беради

Кемпинг қурилди

Вилоятимизда улгуржи савдо бозори бунёд этилди. Бу ҳақда атиги бир йил олдин гап юритилаётган эди. Мана энди шу улкан бозорни амалда кўриб турибмиз. Унинг ёнгинасида барпо этилган Кемпинг эса янада ҳайратланарли. У 36 ўринга эга бўлиб, жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бундай иншоотлар вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

Ҳолида ПАРДАБОЕВА, журналист

Сирдарёлик газетхонлар хатларини «Ўзбекистон овози» муҳбири Абдуқаҳҳор УМАРОВ саралади.

«Тез ўқишамизми?» *Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат*

Тошкент ва Бишкек таассуротлари

Ватанимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар, журналистлар, давлат ва жамоат арбоблари Ўзбекистон мустақилликнинг етти йилида бир неча ўн йилликларга татигулик тараққиётга эришганини тан олмоқдалар. Бу жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам таъкидланмоқда. «Озодлик» радиосининг шу йил 12 октябрь соат 7.00 даги эшиттиришида чет эллик журналистнинг Ўзбекистонга сафари таассуротлари эшиттирилди. Мазкур эшиттириш матнини газетхонларимиз ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

Ҳурматли тингловчилар, яқинда радиомиз ходими Брюс Фанер хизмат сафари билан Ўзбекистон ва Қирғизистонда бўлиб қайтди. Айтиш керакки, бу унинг минтақага биринчи сафари эмас. Кўп йиллардан бери Марказий Осиё масалалари бўйича шуғулланиб келаётган Брюс бундан аввал ҳам бир неча бор минтақа, хусусан, Ўзбекистонда бўлиб, ўзбек тили ва маданияти, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий вазиятни бевосита ўрганиб қайтган эди. Шу боис мазкур сафар давомида у Ўзбекистон ва Қирғизистондаги мавжуд аҳволни бир неча йил аввалги вазият билан солиштириш ва айрим хулосалар чиқариш имконига эга бўлди.

Брюс Фанернинг айнан шу қиёс усулида ёзилган сафар таассуротлари билан Зебунисо таништиради.

